Сардор Хикматович - Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори
19. **НОРҚОБИЛОВ**
Баҳромжон Тураевич - Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
20. **САТТАРОВ**
Дилшод Нематович - Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори
21. **ХАМРАЕВ**
Ойбек Нематович - Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи, *Комиссиянинг котиби*
22. **МУЛЛАЖОНОВ**
Авазбек Рахимович - Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи

**ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ
ХАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИ ОЛТИНЧИ ЙИГИЛИШИНИНГ
ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ**

Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Маъсул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
Савдо	1.	Преференциал савдо тўғрисидаги битимни имзоланиши.	Преференциал савдо тўғрисидаги битим юзасидан музокаралар давом эттирилади ва имзолашга ҳозирлаш ишлари жадаллангизирилади.	2021	Савдо вазирлиги	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар
Савдо	2.	Аккредитация соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш.	Тегишли аккредитация ташкилотларининг баҳоловчи ва техник экспертлари бопқа томоннинг жойида ёки масофали ўтказадиган баҳолашларини кузатиб бориш учун таклиф этилади.	2021-2022	Турк Аккредитация агентлиги (ТУРКАК)	Ўзбекистон Аккредитация маркази (ЎЗАКК)
Савдо	3.	Аккредитация соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш.	Аккредитация фаолияти, лабораторияларнинг малакасини текшириш дастурлари ва/ёки тегишли ахборот технологиялари инфратузилмаларида билим ва тажриба алмашинуви учун бизнес учрашувлар (working meetings) ва/ёки семинарлар ташкил этилади.	2021-2022	Турк Аккредитация агентлиги (ТУРКАК)	Ўзбекистон Аккредитация маркази (ЎЗАКК)
Савдо	4.	Туркия ҳалол аккредитация агентлиги (НАК) ва ЎЗАКК ўртасида имзоланган англашув меморандуми доирасида “ОИС/SMPC” Глобал Ҳалол Сифат инфраструктурасининг функционалтиги бўйича ҳамкорликни ривожлантириш.	Умумий йўл харитасини яратиб бўйича кўпма ишчи гуруҳ ташкил этилади ва илк учрашув 2021 йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилади.	2021	Туркия ҳалол аккредитация агентлиги (НАК)	Ўзбекистон Аккредитация маркази (ЎЗАКК)
Савдо	5.	Туркия Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида электрон савдо шартномасининг имзоланиши бўйича музокаралар ўтказилади.	Икки давлат ўртасида электрон савдо шартномасининг имзоланиши бўйича музокаралар ўтказилади.	2021-2022	Савдо вазирлиги	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
		имзоланиши.				
Савдо	6.	Ўзаро савдо ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни ошириш дастурларини ташкил этиш.	Ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни ўрнатиш мақсадида бизнес форум ва икки томонлама ишбилармонлик музокараларини (B2B) ўз ичига олган форматдаги талбир бўлиб ўтади (Пандемия шароитларидан келиб чиққан ҳолда, талбир онлайн тарзда ўтказилиши мумкин).	2021-2022	Савдо вазирлиги Ташқи иқтисодий муносабатлар кенгаши (ДЭИК)	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Савдо	7.	Ўзаро савдо ва инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни ошириш дастурларини ташкил этиш.	2022 йилда Ўзбекистонга пудратчилар делегацияси ташрифи тапқиллаштирилади.	2022	Савдо вазирлиги Туркия Пудратчилар уюшмаси (ТМВ)	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
Савдо	8.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Туркия ташқи иқтисодий алоқалар кенгаши (DEIK) ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва DEIK ўртасидаги ҳамкорликни ўрнатиш ва чуқурлаштириш мақсадида турли ҳудуд ва секторларни таништириш бўйича учрашувлар онлайн ёки юзма-юз равишда ўтказилади. Ишбилармонларнинг ярмаркаларда иштирокини рағбатлантириш мақсадида маълумотлар аямашилади.	2021-2022	Ташқи иқтисодий муносабатлар кенгаши (ДЭИК)	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Савдо	9.	Божхона соҳасидаги ҳамкорлик	Ўзбекистон-Туркия божхона хизматлари ўртасида Қўшма божхона кенгашининг 2-йигилишини 2021 йилда Туркияда ўтказилади.	2021	Савдо вазирлиги	Давлат божхона кўмитаси
Савдо	10.	Туркия палаталари ва биржалар иттифоқи (ТОББ) ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўзаро бизнес алоқаларини ривожлантириш.	ТОББ ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида 2021 йилда юқори лавозимли кадрлар тайёрлаш дастурларини давом эттириш ва Туркиядаги "фонд бозори тажрибасини" Ўзбекистон билан бўлишиш бўйича ишлар олиб борилади.	2021	ТОББ	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Савдо	11.	Саноат палатасининг қўшма йиғилиши ва бизнес форумини ташкил этиш.	Туркия Ўзбекистон савдо-саноат палатаси форумининг қўшма йиғилиши ва бизнес форуми 2021 йилда ташкил қилинади.	2021	ТОББ	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Инвестиция	12.	Инвестиция соҳасидаги	Томонлар инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни	2021-2022	Савдо вазирлиги	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Инвестициялар



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
		хамкорликни ривожлантириш	ривожлантирадидлар. Бу борада Ўзбекистон томони мева-сабзот, паррандачилик, тўқимачилик, пойафзал, чарм маҳсулотлари, электротехника маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги реал инвестиция лойиҳалари ва имкониятлари ҳақидаги маълумотларни Туркия томонига етказиб беради. Туркия томони мазкур маълумотларни ҳамкорлик имкониятларини кўриб чиқиш мақсадида Туркиядаги хусусий сектор вакилларига маълум қилади.			ва ташқи савдо вазирлиги
Банк	13.	Туркия Республикаси Марказий Банки (ТРМБ) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки (ЎРМБ) ўртасида англашув Меморандумини имзолаш.	ТРМБ ва ЎРМБ ўртасида марказий-банк соҳаси масалаларида ҳамкорликнинг ривожлантирилишини таъминлаш мақсадида Меморандум ишлаб чиқилади. Ушбу шартнома доирасида икки давлат марказий банклари ўртасида марказий банк соҳаси масалаларида ҳамкорликнинг ривожлантирилишига доир ишлар юритилади.	2021	Туркия Республикаси Марказий банки (ТРМБ)	Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки (ЎРМБ)
Электрон Ҳукумат	14.	Ўзбекистон ва Туркия ўртасида электрон ҳукумат соҳасида ҳамкорлик қилиш.	Икки мамлакат ўртасида электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумини 2021 йилда имзолаш бўйича музокаралар бошланган бўлиб, ушбу музокаралар якуни бўйича имзоланган меморандум доирасида электрон ҳукумат тизими соҳасида блим ва тажриба алмашиш бўйича, ҳамда ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида махсус онлайн ўқув курслар ва семинарлар ташкил этиш.	2021-2022	Туркия Республикаси Президенти Қошидаги Рақамли трансформация идораси	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
Билим ва Технология	15.	Ўзбекистонда технологияларни ривожлантириш ҳудудининг яратилиши бўйича тажриба алмашиш.	Ўзбекистонда технологияларни ривожлантириш ҳудудининг яратилиши бўйича Турк томони ўз тажрибасини ўргатади.	2021	Саноат ва технология вазирлиги «Истанбул» технопарки	Иновацион ривожланиш вазирлиги
Билим ва Технология	16.	Туркия Республикаси Саноат ва технологиялар вазирлиги ва	Технопарклар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида "Туркия Республикаси	2021	Саноат ва технологиялар	Иновацион ривожланиш вазирлиги



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
		Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ўртасида илм-фан, саноат ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича англашув меморандуми имзоланган.	Саноат ва технологиялар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ўртасида илм-фан, саноат ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича англашув меморандуми имзоланган.			Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
Саноат	17.	Тошкентда Туркия Стандартлар институти (ТСИ) ва Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлигининг қўшма филиали сифатида фаолият кўрсатадиган ўзбек-турк тест маркази таркибида лаборатория ташкил этиш.	Тошкентда фаолият кўрсатаётган Ўзбек-Турк Тест Маркази таркибида ТСИ ва Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлигининг қўшма филиали сифатида Экотекс лабораторияси ташкил этилади.	2021 -2022	Туркия Стандартлар Институти (ТСИ)	Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги Ўзбек-Турк Тест Маркази
Саноат	18.	ТСИ ва Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш ўртасида "2021-2022 йиллардаги қўшма ҳамкорлик дастури" ни имзоланиши.	Сифат инфратузилмасини мустаҳкамлаш, стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларидаги ҳамкорликни ўз ичига олган 2021-2022 йиллардаги қўшма ҳамкорлик дастури тайёрланиб, томонларнинг келишуви билан имзоланади.	2021 -2022	Туркия Стандартлар Институти (ТСИ)	Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги
Энергетика	19.	Энергетика соҳасида, айниқса муқобил энергетикада ҳамкорликни ривожлантириш.	Ўзбек томони турк компанияларини муқобил энергия ва бошқа энергетика соҳалари бўйича тендерларга таклиф қилади.	2021-2022	Энергетика ва табиий ресурслар вазирлиги	Энергетика вазирлиги
Энергетика	20.	Электр энергияси бозорини яратиш ва уни тартибга солиш бўйича тажриба алмашилиши.	Энергетика бозорини яратиш ва уни тартибга солиш бўйича тажриба алмашилиши. EPIAŞнинг бозор фаолияти ва бозор дастурий таъминотидаги тажрибаси алмашилиши. Ўзбек мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайерлаш бўйича кўмак берилади. Ўзбекистонда энергетика соҳасининг қонунчилик	2021-2022	Энергетика ва табиий ресурслар вазирлиги TEDAŞ TEİAŞ EPDK EPIAŞ	Энергетика вазирлиги




Соха	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
			базасини яратиш ва ислох этишга кўмак берилади.			
Энергетика	21.	MTA Tashkent Mining Ltd. компаниясининг Ўзбекистондаги фаолиятини кўллаб-қувватлаш	<p>Ўзбекистонда кидирув ва тадқиқот ишлари бошланган Саритау истиқболли майдонидаги жараёнларнинг узлуксиз ва ўз вақтида олиб борилиши учун ўзбек томонидан зарур қулайликлар яратилади.</p> <p>MTA Tashkent Mining Ltd. томонидан Ўзбекистонда қурилган лабораторияга етказиб бериладиган материалларнинг божхона ва сертификатлаш тартиб-таомиллари ўзбек томонидан осонлаштирилади.</p> <p>Айдим-Жетимтау ва Хуроб истиқболли майдонларида кидирув ва тадқиқот жараёнларини бошлашда ўзбек томонидан қўллаб-қувватланади ва қулайлик таъминланади.</p> <p>MTA Tashkent Mining Ltd. компаниясига Айтим истиқболли майдони бириктирилади.</p>	2021-2022	Энергетика ва табиий ресурслар вазирлиги Туркия Маъдан кидирув бош бошқармаси MTA Tashkent Mining Ltd. MTA	Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси
Энергетика	22.	MTA Tashkent Mining Ltd. компаниясининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтириш	MTA Tashkent Mining Ltd. Компанияси томонидан Апантепа ва Косманачи-Гужумди майдонларида геология кидирув ишларини олиб бориш масаласига қумаклашиш	2021-2022	Энергетика ва табиий ресурслар вазирлиги Туркия Маъдан кидирув бош бошқармаси MTA Tashkent Mining Ltd. MTA	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Олмалик КМК
Энергетика	23.	Туркиянинг ўрта ва паст босимли газ тақсимлаш тизимини ўрнатил.	Туркиянинг газ тақсимоти операторлар билан алоқа ўрнатилди. Туркиянинг газ тақсимоти операторлари фаолиятини	2021 -2022	Энергия бозорини тартибга солиш идораси	Энергетика вазирлиги



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
			Ўрганиб чиқилади. Тажриба алмашувини йўлга қўйилади.		Табийий газ таркатувчилар ассоциацияси	
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	24.	Тупроқ ва сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича билим ва тажриба алмашиш.	Иқлим ўзгаришининг қишлоқ хўжалигига таъсири ва Иқлимга шароитига мос қишлоқ хўжалиги амалиёти, қишлоқ хўжалигини экинларини суғориш, зарур чоралар ва қишлоқ хўжалигини курғоқчилигидан хабардор бўлиш қилиш, сув ва тупроқ ифлосланишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги фаолияти натижасида келиб чиқадиган ифлосланишни аниқлаш орқали нитратга сезгир бўлган ҳудудларни аниқлаш, ифлосланишнинг олдини олиш бўйича қишлоқ хўжалиги ҳаракатлари режаларини тузиш, сув ресурсларидан барқарор тежамкор равишда фойдаланиш, ўсимликларнинг озуқавий моддалари ва энергия соҳасида қишлоқ хўжалиги ва ҳайвонот чиқиндиларидан фойдаланиш бўйича наشرлар ва мутахассислар алмашинуви билан қўшма лойиҳани амалга ошириш; технология ва тажриба алмашиш; семинарлар, учрашувлар ва ўқув дастурлари ташкиллаштириш орқали инфратузилма ва салоҳиятни ошириш каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш	2021-2022	Қишлоқ хўжалиги ва Ўрмон вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат экология кўмитаси
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	25.	Қишлоқларнинг ривожлантирилиши ва маҳаллий маҳсулотларнинг химоя қилиниши масалаларида тажриба алмашиш.	FAO томонидан молиялаштирилган халқаро лойиҳа орқали инновацион Қишлоқ тараққиёти ёндашувлари, қишлоқ миграциясини олдини олиш, қишлоқ аёллари, қишлоқ ёшлари, қишлоқ жойларда анъанавий ва маҳаллий маҳсулотларни химоя қилиш бўйича мутахассислар алмашинуви.	2021-2022	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иновацион ривожланиш вазирлиги
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	26.	Ерларни ривожлантириш ва ишлаб бериш соҳасида ҳамкорлик.	Қишлоқ Хўжалиги Корхоналари Бош Бопқармасининг (TIGEM) техник ва инновация бўйича кўмаги билан Ўзбекистонда ерларни ўзлаштириш ва ишлаш соҳасида ҳамкорлик	2021-2022	Қишлоқ хўжалиги ва Ўрмон вазирлиги (Қишлоқ Хўжалиги Корхоналари Бош	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Маъсул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
			ўрнатилади.			Бошқармаси)
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	27.	Уруғчилик соҳасида ҳамкорлик.	<p>1. Уруғчилик соҳасидаги ҳамкорлик имкониятлари ўрганилиб, кишлоқ хўжалиги экинлари сертификатлаш учун малакали кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказилади.</p> <p>2. Уруғчилик соҳасидаги селекция, нав синови, уруғлик етиштириш, тайёрлаш, сақлаш ва сертификатлаштириш жараёнлари бўйича тажриба алмашиш соҳасида ҳамкорлик ўрнатилади.</p> <p>3. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экинбоплик сифатларини аниқлаш ва сертификатлаштириш бўйича Туркиянинг илғор уруғчилик лабораториялари ва сертификатлаштириш идоралари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан меморандум имзоланади</p>	2021-2022	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ДУК «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» «Ўзагроинспекция» қошидаги «Агросоноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	28.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ривожлантирилиши биотехнология ҳамкорлик.	<p>Ўш ва тажрибали мутахассислар ўртасида маълумот алмашиш, биотехнология ва бошқа соҳаларда лаборатория ишлари, генетик селекция ва наслчилик, шўр ва курғоқчиликка чидамли пахта чигити етиштириш, уруғларнинг юқори сифати бўйича ишлар юритиш, шунингдек бошқа дала экинлари (кунгабоқар, ер ёнғоқ маккажўхори, беда ва бошқалар) бўйича қўшма ишлар юритиш, Туркиядаги тадқиқотчиларнинг Ўзбекистонга бориши ва у ердаги тадқиқотчиларга малака ошириш дарслари бериши масалаларида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилади.</p>	2021-2022	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Инсон ресурслари	29.	Маъмурий ва фуқаролик инфратузилмасини ривожлантириш мутахассис ўқув тренинглари	Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси ходимлари учун таълим дастурлари тайёрлаш орқали статистика соҳасида тажриба ва маълумот алмашинуви амалга оширилади.	2021-2022	Туркия Статистика Давлат агентлиги Ташкilotи	Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
		ташқил этилиши.				
Инсон ресурслари	30.	Давлат кадрларини тайёрлаш ва ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш.	Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари идораси бошчилигида давлат кадрларини тайёрлаш ва ривожлантириш фаолияти учун ишлаб чиқилган воситаларни тарғиб қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилади.	2021-2022	Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари идораси	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
Инсон ресурслари	31.	Инкубация марказлари орқали истеъдодларни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш.	Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари идораси томонидан инкубация марказлари орқали иқтидорларни ривожлантириш бўйича билим ва тажриба алмашиш бўйича реклама тадбирлари амалга оширилади. Бундан ташқари, Президент ҳузуридаги Инсон ресурслари идораси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ўзаро келишувларига мувофиқ Тошкентда янги инкубация марказини ташқил этишни қўллаб-қувватлайди.	2021-2022	Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари идораси	Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
Инсон ресурслари	32.	Университет карьера марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик	Университетларда фаолият юритувчи карера марказлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари идораси томонидан ишлаб чиқилган рақамли воситалар тўғрисида тажриба алмашиш.	2021-2022	Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Инсон ресурслари идораси	Ўзбекистон Олий ва ўрта таълим вазирлиги
Таълим	33.	Тошкент Турк мактабига ер ёки бино ажратилиши бўйича ишлар юритилиши.	1. Тошкент Турк мактаби учун мос деб топилган мактаб биноси ёки ернинг ажратилиши бўйича ишлар тезлаштирилади ва бино/ер ажратилишининг 2021-2022 таълим йилининг бошланишигача улгурилиши учун максимал куч сарфланади.	2021-2022	Таълим вазирлиги	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Таъқиқ ишлар вазирлиги
Таълим	34.	Тошкент шаҳрида Ўзбек-Турк университетини ташқил этиш.	Ўзбек-турк университетини ташқил этиш учун моддий техник ва ҳуқуқий-ташқиллий масалаларни назарда тутувчи битим 2021 йил охирига қадар имзоланади.	2021-2022	Олий таълим кенгаши	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таъқиқ ишлар вазирлиги



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
			2022-2023 ўқув йилида мазкур университетни очилиши таъминланади.			
Соғлиқни сақлаш	35.	Ўзбек соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг малакасини ошириш мақсадида қисқа муддатли таълим курслари тақдир этиш.	Ўзбек соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг билим ва тажрибасини ошириш мақсадида Туркия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қисқа муддатли малака ошириш дастурлари ташкил этилади. Курслар юзма-юз ёки онлайн шаклда ўтказилади.	2021-2022	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Соғлиқни сақлаш	36.	Ўзбек-Турк соғлиқни сақлаш хафтасини ташкил этиш	Турк томони Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамида аввалдан келишиб олинган шахарлар ва йўналишларда ижтимоий ёрдамга ва даволанишга муҳтож бўлган фуқаролар учун Туркия Республикасида тажрибали шифокор мутахассислар иштирокида "соғлиқ хафтаси" лойиҳасини амалга ошириш имкониятини ўрганиб чиқади. Ўзбек-Турк соғлиқ хафтаси беморларга консултациялар ва эҳтиёж бўлган операциялар ўтказиш ва ўзбек соғлиқни сақлаш хизматчиларига амалий машғулотлар ўтказилади.	2021-2022	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Соғлиқни сақлаш	37.	Соғлиқни сақлаш соҳасида кўшма ишчи гуруҳни ташкил қилиш ва унинг биринчи йиғилишини ўтказиш.	2017 йил соғлиқни сақлаш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик шартномаси доирасида "Кўшма ишчи гуруҳи" аъзолари аниқланиб, дипломатик йўл билан хабардор қилинади. Ишчи гуруҳ ўзининг биринчи йиғинини 2021-йилда ўтказилади. Икки мамлакат ўртасида Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни ўзида мужассамлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилади.	2021-2022	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ
ХАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯСИ БЕШИНЧИ ЙИГИЛИШИ ҲАРАКАТЛАР
РЕЖАСИНИНГ ИЖРОСИ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ТАДБИРЛАР**

Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
Аккредитация	1.	Аккредитация соҳасида ҳамкорликнинг ривожлантирилиши.	Турк Аккредитация Ташкилоти (ТУРКАК) ва Ўзбекистон аккредитация ташкилоти (ЎЗАКК) ўртасида 2019 йилда имзоланган Меморандум доирасида аккредитация соҳасидаги ҳамкорлик фаолиятлари давом эттирилади.	2021-2022	Турк аккредитация агентлиги (ТУРКАКК)	Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон аккредитация ташкилоти (ЎЗАКК)
Қурилиш ва техник маслаҳатчилик	2.	Техник масатчилик, муҳандислик ва архитектура соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожлантирилиши.	Ўзбекистондаги иш бевучи идораларнинг юқори мансабдорлари билан (Вазир-Вазир ўринбосари) бир жойга тупланиб фирмаларимизнинг ўзларини танитишлари ва йирик инвестор фирмалар билан учрашиш мақсадида DEK UTM va ТМММВ билан биргаликда 2022 йилнинг биринчи ярмида Тошкентга (асосан инфратузилмага қаратилган) хайъат ташрифи амалга оширилади.	2022	Савдо вазирлиги DEK	Қурилиш вазирлиги
Саноат	3.	Маҳаллий вакилларнинг хоҳимият малакасини ошириш.	Ўзбекистонда кичик саноат зоналари жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хоқимларининг биринчи ўринбосарлари Туркияга олиб келинган ҳолда саноат зоналари бошқаруви бўйича таълим берилади.	2021	Туркия палаталар ва биржалар уюшмаси (TOBB)	Иқтисодий тн ривожлантириш ва қамбағалликни кискартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
Кичик ва ўрта тадбиркорлик	4.	Ўзбекистон билан КОСГЕБ ўртасида кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ташкилоти КОСГЕБ таърибасини Ўзбекистон томонига трансфер қилиш мақсадида, қисқа ва узун муддатли мутахассислар алмасуви дастурини амалга ошириш бўйича тайёрларлик ишлари якунланади.	2021-2022	Кичик ва ўрта саноат тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш давлат ташкилоти (KOSGEB)	Микрокредитбанк Кичик бизнес ва таълим олиш агентлиги



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
Саноат мулки	5.	Саноат мулки борасида хабардорликни ошириш.	TURKPATENT – Анкара ниверситети ва WIPO ҳамкорлигида давом этаётган интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича магистратура дастурида Ўзбекистонлик талабаларнинг иштироки таъминланади.	2021-2022	“TURKPATENT” Анкара университети	Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги
Энергетика	6.	Бор ва бор маҳсулотларининг Ўзбекистонда тақдими.	Турк томони Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун кимёвий (бор) маҳсулотларини таништиради ва Ўзбекистон томони фойдаланишни масаласини ўрганиб чиқади.	2021-2022	Энергетика ва табиий бойликлар вазирлиги, “ЭТИ МАДЕП” компанияси	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзкимёсаноат
Энергетика	7.	Энергия бозорини яратиш ва ушбу соҳада халқаро стандартларни қабул қилиш бўйича тажриба алмашиниши.	Энергетика бозорини яратиш ва ушбу соҳада халқаро стандартларни қабул қилиш бўйича тажриба алмашиниши бўйича алоқалар қилиш ва зарурат тугилганда мутахассислар билан алмашиниш борасида келишиб олдилар.	2021-2022	Энергия бозорини тартибга солиш бошқармаси (EPDK)	Энергетика вазирлиги
Транспорт-Авиапарвозлар	8.	Ўзбекистон ва Туркия Транспорт вазирликлари ҳамда ҳаво йўллари ташкилотлари вакиллари иштирокида фуқаро авиацияси бўйича музокаралар олиб бориш.	Томонлар бу мақсадда 2021 йилда Истанбул шаҳрида Ўзбекистон ва Туркия Транспорт вазирликлари ҳамда Ҳаво йўллари ташкилотлари вакиллари иштирокида фуқаро авиацияси бўйича музокаралар олиб бориш хусусида келишиб олдилар.	2021	Транспорт ва инфратузилма вазирлиги	Транспорт вазирлиги
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	9.	Туркия-Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ижроия қўмитаси 3-йиғилишининг амалга оширилиши.	Томонлар, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги икки томонлама алоқаларнинг тезлаштирилиши ва қучлантирилиши кераклигини ҳисобга олган ҳолда, Қишлоқ хўжалиги ижроия қўмитаси 3-йиғилишининг Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифига биноан 2021 йилнинг июль ойида Топкентда амалга оширилиши учун бир йиғилиш ўтказди.	2021	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	10.	Балиқчилик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш.	Табиий сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш бўйича умумий механизм сифатида ташкил этилган “Ўрта Осиё ва Кавказ минтақавий балиқчилик ва денгиз маҳсулотлари етиштириш комиссияси битими”га (CACFish) Ўзбекистон ҳам аъзо бўлиши	2021	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш агентлиги



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
			<p>таклиф қилинди.</p> <p>Ўзбек томони Турк томонининг таклифини кўриб чиқиб энг қисқа вақтда фикрларини айтишини билдирди.</p> <p>Томонлар балиқчилик соҳасида қўшма лойиҳалар амалга ошириш билан бирга “Ўзбекисансоат” уюшмаси билан Туркия балиқчилик тадқиқот институти ва Трабзон балиқчилик институти ўртасида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.</p>			<p>вазирлиги,</p> <p>“Ўзбекбалиқсансоат” уюшмаси,</p> <p>Сув хўжалиги вазирлиги,</p> <p>Ташқи ишлар вазирлиги</p>
Шаҳарсозлик	11.	Курилиш-монтаж бирлиги нархлари билан боғлиқ умумий терминологияни яратиш.	<p>Анқарада Ўзбекистон делегацияси билан бир учрашув ташкил қилиб, мамлакатимизда қўлланиладиган бирликлар нарх тизимини мисоллар билан тушунтириш, амалий бирликлар ва дастурий таъминотни танитиш, умумий терминологияни яратиш ва мослаштириш масалаларида ҳамкорлик йўлга қўйилади.</p> <p>Тошкент шаҳрида Ўзбекистонда қўлланиладиган бирликлар нарх тизими ҳақида маълумотлар олиш, амалий бирликлар ва агар бор бўлса дастурий таъминот билан танишиш. Ўзбекистон бирликлар нарх тизими билан мамлакатимизда қўлланиладиган бирликлар нарх тизими мослаштирилади ва умумий терминология яратилади.</p>	2021	Экология ва шаҳарсозлик вазирлиги Олий илмий кенгаш	Курилиш вазирлиги Молия вазирлиги; Иқтисодий ривожланиш ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги
Биноларда электр-энергияси самарадорлиги	12.	Бинолар, иншоотларга яшил сертификат ва энергетика гувоҳномасини ((Enerji Kimlik Belgesi - ЕКВ) бериш	<p>Биноларнинг энергия самарадорлигини ва ҳавога иссиқхона гази чиқариш даражаларини белгилаб, энергетика гувоҳномаси тузиш мақсадида Экология ва шаҳарсозлик вазирлиги томонидан тайёрланган ВЕР-TR тизими Ўзбекистоннинг алоқадор идораларига тақдим этилади.</p> <p>Талаб бўлса, бино-иншоотлар техник хусусиятлари ва эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда, экологик, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятлари ва барқарорликлари баҳоланиб, сертификатлаштириш мақсадида Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган</p>	2021	Экология ва шаҳарсозлик вазирлиги	Курилиш вазирлиги



Соха	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
			YeS-TR тизимининг тақдимоти ўтказилади.			
Бетон махсулотлар и сифати назорати	13.	Курилишларда фойдаланилаётган бетондан намуналарни олиш, курилиш майдончасида уни сақлаш лабораторияда сақлаш ва синаш жараёнини RFID-чипни ишлатган ҳолда амалга ошириш.	Талаб келиб тушса, Экология ва шаҳарсозлик вазирлиги томонидан 4708 сонли Иншоот назорати қонуни доирасида назорат қилинаётган биноларда ишлатилган бетоннинг мониторинги бўйича тизим бўлиши EBIS (Бетонни электроник кузатиш тизими) ҳақида тақдимот ўтказиш мақсадида ўзаро таълим дастури, йиғилиш, илмий-техник таширф дастурлари ва эҳтиёжга қараб, ўзаро ҳамкорлик баённомалари тузиш режалаштирилмоқда.	2021	Экология ва шаҳарсозлик вазирлиги	Курилиш вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан гартибга солиш агентлиги, "Ўзқурилишматериал ари" уюшмаси
Кадастр	14.	Ўзбекистоннинг ер-мулк кадастр кайдлари, харитачилик тизимининг замонавийлаштириш борасида ҳамкорлик.	Ўзбекистон ер-мулк кадастр кайдларининг ўрганиб чиқилиб, мулкчилининг белгиланиши ва кадастр фаолиятлари борасида зарурат таҳлили тайёрланиб, маълумот ва тажриба алмашинаида ҳамкорлик қилинади. Бу мақсадда жараён мобайнида: - Давлатларнинг алоқадор идораларида масъул мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузилади. - Ишчи гуруҳи мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб, ҳар иккала давлат идоралари ўртасида эҳтимолий ҳамкорлик соҳаларини аниқлаштириш бўйича режалаштириш/тайёргарлик қилиш ишларини юритади.	2021	Экология ва шаҳарсозлик вазирлиги Кадастр департаменти	Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат қўмитаси
Туризм	15.	Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш.	Туркия-Ўзбекистон Туризм Қўшма комиссиясининг 2-давра йиғилиши 2021 йил мобайнида Туркияда бўлиб ўтади.	2021	Маданият ва туризм вазирлиги	Туризм ва спорт вазирлиги
Туризм	16.	Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини ривожлантириш.	Бухоронинг "Арк" қалъаси Амир масжиди реставрацияси олиб борилади.	2021-2022	ТИКА	Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги
Таълим	17.	Таълим соҳасида ҳамкорликнинг ривожлантирилиши.	Туркия Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик шартномаси имзоланади.	2021	Миллий таълим вазирлиги	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар		
					Туркия	Ўзбекистон	
			Томонлар таълим соҳасидаги ҳамкорлик мавзуларини музокара қилиш учун икки давлат делегацияларини 2021 йилда учрашишлари кераклиги ҳақида келишувга эришганлар.				
Меҳнат ва бандлик	18.	Маъмурий ва инфратузилмани ривожлантиришга мутахассислар ташкиллаштириш.	ноҳарбий қаратилган таълимнинг	Қонунчилик фаолиятлари борасида Туркиянинг тажрибасини жорий этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилади. Касбий таълим масалаларида базавий амалиётли таълимлар берилди. Хизмат тармоғининг ривожлантирилишига қаратилган амалиётли таълимлар берилди. Молия, хавфсизлик, давлат бошқаруви соҳаларида ўзаро тажриба ва маълумот алмашувини таъминлаш учун Ўзбек давлат мулозимларига қаратилган малака ошириш таълимлари ўтказилади.	2021	ТИКА	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
Техник ҳамкорлик	19.	ТИКА фаолиятлари учун керакли материал-ускуналарни божхона солиқ-тўловларисиз ва бошқа импорт тўловларисиз олиб киришга рухсат бериш.	Узбекистон Республикасида ТИКА фаолиятига доир 25.10.2017 санада имзоланган шартномасига кўра ТИКА фаолияти учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва материалларни божхона тўловлари ва бошқа импорт божлардан озод қилиш учун қулайлик ва устуворлик таъминланади. 2021 йили амалга ошириладиган лойиҳалар ўзининг яқуний шакллари Ўзбекистон Республикасининг сўраган идора-муассасалари билан бамаънаҳат, музокаралар йўли билан олади. Уларга қараб лойиҳаларнинг тақвимда режалаштирилиши борасидаги янгилдиклар доимий равишда Қўшма иқтисодий комиссия котибиятига билдириб борилади.	2021	ТИКА	Давлат божхона кўмитаси	
Спорт	20.	Допингга қарши курашиш масаласида маълумот ва тажриба алмашишга қаратилган ҳамкорликни ташкиллаштириш.	- Допинг назоратларининг Жаҳон допингга қарши кураш қондалари ва халқаро стандартларга мос шаклда бритаилиши борасида Туркияантидопинг комиссияси қошида аккредитация қилинадиган Допинг назорат ходимларига назарий ва амалий	2021-2022	Туркиянинг допингга қарши кураш комиссияси	Ўзбекистон допингга қарши кураш миллий агентлиги	



Соҳа	Т/р	Режа номи	Режа механизми	Муддат	Масъул вазирлик ва идоралар	
					Туркия	Ўзбекистон
			<p>таълим берилади.</p> <p>- Туркиянинг допингга қарши қонуни, низоми ва бошқа қондалар ҳақида маълумот бериш тақдироти ўтказилади.</p> <p>- Допингга қарши курашиш таълим дастури (Таълим режа ва дастурларининг тузилиши ҳамда юритилиши) амалга оширилади.</p> <p>- Тергов, ижро ва разведка маълумотларини йиғиш услублари ва натижаларга баҳо бериш жараёнлари борасида тақдирот ўтказилиб, маълумотлар ўртоклашилади.</p> <p>- Даволаниш мақсади бўлган истеъмол истисноси бошқарув дастурининг кучайтирилиши, таъкиқланган модда таркибида бўлган дориларнинг сотилиши ва истеъмоли дастури ҳақида тадбир ўтказилади.</p>			
Спорт	21.	Допинг назорат дастурини ривожлантириш масаласида ҳамкорликни ривожлантириш	<p>- Допинг назоратларининг режалаштирилиши, допинг назорат ҳавзаларининг тузилиши борасида ходимларни ўқитишга қаратилган Допинг назорат дастури йиғилиши ўтказилади.</p> <p>- Биологик профиллар ва мақсадга йўналтирилган допинг назоратлари орқали Допинг назорат дастурларини ривожлантириш биологик паспорт мавзусида йиғилиш ўтказилади.</p>	2021-2022	Туркиянинг допингга қарши кураш комиссияси	Ўзбекистон допингга қарши кураш миллий агентлиги